

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Бугунги суҳбатдошимиз «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси бош муҳандиси Собир КҲАЧАРОВ билан бебаҳо бойлигимиз — «зангори олов»ни тежаб-тергашда, ундан оқилона фойдаланишда пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида мусоҳаба қилдик.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланишда ўлчаш асбоблари ўрнатилишнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланган. Шу билан биргаликда кунча кеча республика Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004» йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам чиқди. Бу борада жамоангизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги қўшимча қарор ҳамда яқинда матбуотда эълон қилинган қарор жамоамиз зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шах-

газ сарфи ўзларининг ҳамёнлари ҳам зиён етказишида. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Юнусобод тумани М.Турғунбоева кўчаси, 6-уйда истиқомат қилувчи истеъмолчи Носировлар оиласи 3 ойга сарфланган табиий газ учун белгиланган меъёр бўйича 12654 сўм тўлаши лозим эди. Асбоб ўрнатилгандан сўнг эса улар 9941 сўм тўлаб, 2713 сўм тежаб қолдилар. Шунингдек, туманининг Гвардиячи кўчаси, 15-уйда истиқомат қилувчи Хошимжоновлар ҳам 7 ойда белгиланган меъёр бўйича 28728 ўрнига ҳисоблаш асбоби ўрнатилгач 24521 сўм тўлаб, 4207 сўмни тежашга муваффақ бўлишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу боис ҳам газни меъёрида, керагича сарфлайдиган, эҳтиёжига яраша фойдаланадиган хонадон эгалари газ ҳисоблагичлар ўрнатишдан кўпроқ манфаат кўришади.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, ҳукуматимизнинг Хитой Халқ Республикаси билан мамлакатимизга 20 йил муддатга, шу жумладан 10 йил имтиёзли даврга 30 миллион уян миқдорда қўшимча кредит бериш тўғрисидаги 2001 йил 11 апрелдаги битимини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 15 январда «Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг фойсиз кредити доирасида газни ҳисобга олиш приборлари сотиб олиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Шаҳримиздаги кўп қаватли уйларга 138461 та ана шу фойсиз кредит ҳисобига сотиб олинган газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатиш ҳам режалаштирилган.

— Тахририятимизга ҳамшаҳарларимиздан бўлаётган қўғирокларда газ ҳисоблагич асбобларининг нархи қанчалик ўрнатилиш учун қаерга мурожаат қилиш ҳақида сўрашмоқда.

— Ҳозирги кунда газ ҳисоблаш асбобларининг нархи (ўрнатиб бериш билан қўшиб ҳисоблаганда) 36-40 минг сўмни ташкил этади. Хонадон эгаси имкониятига қараб ушбу суммани бир йўла ёки бўлмаса 3 ой муддат ичида тўлаши мумкин. Ана шундай асбоб ўрнатишни хоҳловчилар ўзлари яшаётган туманлардаги «Газтаъминот» бўлимига мурожаат этишлари мумкин. У ерда ташкил этилган махсус бригадалар бу ишни тез ва соз бажариб беришади. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сиз хонадонингизга газ ҳисоблагичлар ўрнатсангиз, асло ютказмайсиз. Энг муҳими эса қирматбаҳо бойлигимизни нафадат ўзингиз учун, балки фарзандларингиз, келгуси авлоқлар учун ҳам асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

ШИРКАТЛАРДА

римизга айланган. Уларга берилган имтиёзга келсак, фойдаланиш харажатларини тўлашдан озод этилганлар. Шу билан бирга улар ер тўла ҳамда чордоқларнинг ҳолатига ҳам тўла жавоб беришади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ширкат ходимларининг сайй харажатлари билан ертўлалар ҳар хил чиқинди ва сувлардан тозаланган, носозликлар эса жавобгар шахс томонидан вақтида бартараф этилади. Йўлакларнинг эшик-лари таъмирланиб, кўпчилигига темир эшиклар ўрнатилди. Аҳоли билан тез-тез уч-

ри, турфа гуллар экилди. Бугунги кунда ушбу ширкат ходимлари яшовчилар ишончини оқлаш учун ўзларига берилган имкониятлардан тўлалигича фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Хонадон эгалари эса уларга камарбаста бўлишга нур устига аъло нур бўларди.

— Республикаимиз Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш бора-сидаги имкониятлардан тўлалигича фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда; ширкатга қарашли уйларнинг ҳовлилари шинча ва озодлиги учун ҳам бола-жонлар яраб ўйнашади. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

рашиб, муаммолар ўз вақтида ҳал этиб борилади. Шунингдек, маҳалла томонидан қаровчиси йўқ, кам таъминланган оилаларга коммунал тўловларни тўлашда ёрдам бериб келинади.

Шаҳримизда кўпкам бош-ланиш билан қизиб кетган ободонлаштириш ва кўкалам-зорлаштириш юмушларида ҳам ширкат аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Турар жой бинолари ён-атрофлари ҳашар йўли билан тозаланди, сув шохобчалари тартибга келтирилди, болалар ўйнайдиган майдонлар ораста ҳолга келтирилди. Уйларнинг ён-атрофларида 300 туп меваги ва манзарали даракт қўчатла-

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: ширкат бошқаруви раиси (чапда) Керим Кенжаев пайвандчи-сантехник Геннадий Якубовга керакли топшириқни тушунтирмоқда; ширкатга қарашли уйларнинг ҳовлилари шинча ва озодлиги учун ҳам бола-жонлар яраб ўйнашади. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Сув — ҳаёт манбаи

• Лола ЖҲРАЕВА, «Сувсоз» унитар корхонасининг Бўзсув бош иншооти лабораторияси бошлиғи:

— Халқимизда «Сув — ҳаёт манбаи» деган ажойиб нақл бор. Чунки сувнинг ўзи тириклик манбаи, оби ҳаёт эканлигини барчамиз яхши билемиз. Лекин буни била туриб, қанча-қанча маблағ, сермашаққат меҳнат эвазига аҳолига берилаётган тоза сувимизни исроф қилаётган, ундан лоқайдлик билан фойдаланмаётган одамлар борлигига ачинаиб кетаман.

Мана шу иншоот лабораториясида 27 йилдан буюн меҳнат қилаётган бўлсам, ходимларимиз билан ҳамжиҳатликда ҳамшаҳарларимизни бир кеча-кундузда 250-300 минг кубометр тоза сув билан таъминлаймиз. Бунинг учун эса зимма-миздаги масъулиятни чуқур ҳис этамиз. Тасав-вур қилинг-а, арик сувини аҳоли истеъмоли учун тайёрлаш қандай кечиниши. Айниқса, баҳор ой-ларида сувнинг лойқалиги ортиб кетади. Бунинг устига айрим одамлар оқар сувларга турли чиқиндиларни ташлаб иф-лослантдиладилар. Ана шундай ҳолатлар иншоотимиз ходимлари иш-ни анчагина мушкуллаш-тиради, сарф-харажат-ларнинг ҳам ортишига сабаб бўлади.

Лекин бундай мурак-кабликларга қарамай хо-димларимиз аввало ин-сонлар ҳаёти, уларнинг сийҳат-саломатлиги йўли-да меҳнат қилганлик-ларини доимо ёдда тут-дилар. Босқичма-босқич амалга ошириладиган ишлар маромида бажа-рилиб, аҳолига узатила-ётган сувнинг тозалли-ги, ҳарорати, ранги, таъми, тиниқлиги, зарарсизли-ги тўла таъминланади. Бебаҳо неъмат санал-миш — сувнинг ҳар бир томчиси ҳам қадри. Бе-жизга унинг қатрасини зарга қийсламаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз бунга чуқур англаб, тежаб-тергашга муҳим ҳисса қўшсак ҳеч қачон келгусида унга зор бўлмаймиз. Ахир бежиз нимани хор қилсанг, шун-га зор бўласан дейиш-майдику!

• Дилбар ҚОДИРОВА, кўп болали она:

— Дунёдаги азиз неъматлар ичида сувнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун ҳам уни оби-ҳаёт деймиз, турмуши-мизни усиз тасаввур эта олмаймиз. Бир қўшим бор, кеча-кундуз водо-проводнинг жўмрагидан сув оқиб ётади, кичкина-гина томорқасини ҳам ичимлик суви билан су-ғоради. Айтганимга пар-во ҳам қилмасди, баъзан аччиғим келиб кетарди. Қаранг-а, хонадонлар-имизга сув ўлчаш асбоб-лари ўрнатилди унинг жўмрагидан сув тўхта-ди, томорқасини ҳам те-жамкорлик билан суғу-ришга ўтди. Ана шунда «Э, ана шундай анжомни чиқарганга ҳам, ўрнатган-га ҳам раҳмат-э» дедим. Ахир унинг тежаб-тер-гашдаги ўрни бекиёс экан-да. Энди у ҳам хамё-нига қараб сувни ишла-тишга ўрганди. Қани энди шаҳримиздаги барча хонадонларга шун-дай сув ўлчашчилар тез-роқ ўрнатилса сув исроф-гарчилиги камайди.



Кўнгилдаги гаплар...

Баҳор — уйғониш, яшариш фасли...

Халқимиз жуда қадим замонлардан буюн инсоният ҳаётининг туб манбаи бўлиши Сув, Ҳаво, Ер, Кўшга гоят катта эҳтиром ила муносабатда бўлган. Бу бизнинг энг но-дир миллий, маънавий қадриятларимиздан бирига айлиниб кетган...

Бизлар учун энг муқаддас ҳисобланган неъматларнинг кейинги юз йиллар мобайнида нақадар оёқости қилингани, айниқса шўролар даврида кўп-лаб муқаддас урф-одатларимиз, жуда бебаҳо миллий удумларимизга нисбатан кўрсатилган ҳурматсизликлар оқибатида — табиатимиз, руҳимизга қанчадан-қанча зарар етказилганини кўпчилик кексалар билишади. Сувга, Ерга, Ҳавога қўрсатилган салбий муносабатлар инсонлар руҳига қанчадан-қанча зарар келтирган-ни янада ташвишлироқ бўлди. Бу нима дегани дерсиз? Бу агар таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамонт дегани. Сув, Ер, Ҳаво ифлосланса, инсон пок— озода ҳаёт кечи-ра оладими? Гап худди шу ҳақда, ҳаётимиз, нафасимиз, демакки, тақдиримиз ҳақида боради... Юртбошимиз табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро руҳини муштақамлаш юзасидан га-м-хўрлик қилишининг бутун инсоният тақ-дирини нақадар боғлиқлиги ҳақида озмунча жонбозлик кўрсатмоқдаларми? Бу борадаги энг катта муаммо — Орол денгизига тушгани, унинг бош омили ҳам шўролар даврида минтақамизда ҳукмронлик қилган хом ашхўрлик сий-сатига бориб тақалганини ким билмай-ди? Мана энди табиатга қилинган хиён-ат учун Марказий Осиё халқлари жабр кўрмоқда... Турли-туман анжуманлар, маслаҳатлар мазкур муаммога баҳши-да этилаётгани ҳаммаимизга аён. Зеро, Яратганининг ўзи — табиатда меъёр ва мувозанатни ҳам ҳисобга олган бўлса керакки, ҳар баҳона билан унга қўл уриш кўпинча инсониятга ҳавф-хатар келтира-ётгани XX асрда айниқса яққол намо-ён бўлди... Зарарли тутунларнинг ти-нимсиз ошиб бораётгани, неча йиллар-дан буюн осонгина учираётган баъзи кераксиз меҳанонлар табиий мувозан-атга салбий таъсир этмайди деб ким айта олади?! Космосдаги меъёрнинг бузилиши Ерга қандай таъсир кўрсат-таётгани ҳам яхши маълум. Бундай са-воллар, муаммолар сабаблари, агар таъбир жоиз бўлса, Ер юзидан барча инсонлар фаолиятига бориб тақалади...

Энди-чи, тақдир тақозоси билан кўп қаватли уйларга қиқиб қолганлар ҳаёти-да бу ишлар қандай? Жуда мураккаб. Деярли ҳар кун телеахборотларда кўрсатилаётган баъзи кўп қаватли уй бинолари атрофида қиқиндилар уюми таъбингизни хира қилади. Ахлат та-шйидиганлар бор. Гоҳо уйларга эмас, унинг атрофига — дуч келган жой-га ахлат ташлаб кетиш — қайси одобга қиради?! Агар бошқалар шу ахволга ўрганиб кетган бўлса, бизнинг миллий удумларимизда бу ҳолат йўқ-ку?! Бу ҳам етмагандай — Ташкент қўчаларида ша-рақлаб оқиб турадиган сувлар қаёққа кетди? Ариқларни тозалаш гоҳо-гоҳо кўзга ташланади, аммо сув йўқ. Шаҳар ариқларида сув берадиган — Бўзсув ва ундан тармоқланган катта анқорлар оқиб турибди-ку?! Уларга қимлар дуч келган қиқиндиларни ташлашми? Нега улар-дан олинган қиқир ариқлардан сув оқмайди? Ёз ойларида кўча ариқлари-дан кўчаларга сув сепиларди. Сувлар-нинг ифлослигини бир бўлса, кўча ва ҳовлилардан оқмаслиги яна бир муам-мо... Модомики, сув тозалик, покизалик ва ҳаёт манбаи экан, уни тоза сақлаш ҳаммамнинг бурч эмасми?! Бизнинг ту-рар жойларимизни озода сақлаш ҳақидаги қадимий миллий удумларимиз буюк ёзувчиларимиз асарларида ҳам ҳамиша ўз ифодасини топиб келган... Бу борада ўзгичамизни сақлаш—озо-да-пок турмуш тарзига нақадар эътибор берилгани ҳақида «Ўтган кунлар» аса-ридан бир лавҳани эслаб ўтишни жоиз деб билдик. Зеро, бу романда ўзбеклар-нинг энг яхши миллий урф-одатлари-дан торттиб, бидъатга айлиниб кет-ган -оқибати халқимиз ҳаётига салбий таъсир этиб, бошига қулфалар ёғди-рган воқеа-ҳодисаларга ўта таъсирчан — қалбларимизни ҳамиша ларзага со-либ келаётган талай воқеа-ҳодисалар таъсирини кўрамиз.

«Қудаларни кутиб олиш» бобидаги ҳолатлар — миллий удумлардан бирига эътибор беринг; Маргилондан қудалар келаётгани хабари олинди-ю, Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек олим қизгин тайёр-гарликка киришиб кетишди. Иш уй-жой, ҳовли ва кўчаларни тозалашдан бош-ланди. Қудаларни нарироқдан қузатиб кириш учун Ҳасанали йўл устига кетган. Юсуфбек ҳожининг ўзи иш бошида ту-риб Ойбодоққа ташқари ховлини тоза-латди. Ичкарида бўлса, Ўзбек олим қўшни хотинлардан бир нечасини хашарга айтиб, ҳаммани жой-жойига қўйдирган, ҳовли юзини ҳам ёғ туша ялагудек ҳолга келтирган эди. Аммо ўз уйини бўшатириб, гилам солиб қўйганга энди уч кунлар бор, қудаларнинг зифати учун керакли бўлган ҳамма нарсаларни ҳам ҳозирлатган, улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб, бир гўнон қўйни оғилнинг устуни-га қантариб қўйган эди...

Эътибор қилайлик: меҳмондўстлик миллий урф бўлса, уни — озодалиқдан бошланганини нима деб атаймиз? Де-мак, миллий тарихимиз, энг яхши удумларимиз ҳаётнинг барча муаммо-лари қаторида — яшаш жойлари, атро-фи ва бутун — сув, ҳаво, Ер-муҳитни озода сақлаш, покликка даъват этиш — бизнинг гоят буюк ҳам миллий, ҳам умминсоний фазилатларимиздан бўлиб қолади.

Аҳмад АЛИЕВ



Ўзига хос ўрни бор

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида биринчилардан бўлиб ташкил этилган «Хумоюн-заминдор» ширкатининг ўзига хос ўрни бор. Бунинг асосий сабаби бу ерда ишнинг тўғри ташкил этилганлиги ҳамда ходимларнинг меҳнатсеварлиги, яшовчиларнинг эса ҳамжиҳатли-гидадир.

Ширкатга 33 та уй би-риккан бўлиб, уларнинг 12 таси 9 қаватли ҳамда 21 таси 5 қаватли турар жой биноларидир. Уларда 1205 та хонадон аъзолари исти-қомат қилишади. Шуниси ахамиятли уйлар ширкат тасарруфига ўтганидан сўнг ахвол тубдан ўзгарди. Аҳолидан тушган бюжет-ларнинг ўз вақтида бажари-лишини таъминлаш билан бирга, яшовчиларда ўзлари истиқомат қилаётган уй-ларга эгаллик ҳиссини уйғо-тиш, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим-лигини уқтиришда, булар-нинг барчасини тажрибада кўрсатишда ширкатнинг роли кундан кунга ортиб бормоқда.

— Биргина 27 ходимнинг ушбу турар-жой бинолари-даги орталлик, саранжом-саришталлик ҳамда уй хола-

тини кўнгилдагидек сақлаш, тушган арзаларни вақтида адо этиш каби юмушларга кучи етмайди, — дейди ширкат бошқаруви раиси Керим Кенжаев. — Буларнинг ҳам-масини кўнгилдагидек адо этиш учун маҳалла билан ҳамкор-лик, уй бошқарувчилари билан ҳамжиҳатлик катта сама-ра беришини ўз тажрибамиз-да англаб етдик. Муҳими ишлаш, ишлаганда ҳам кун-далик режа асосида иш юри-тиш керак. Режанинг қандай бажарилаётганини эса назо-рат остига олинади. Биз ҳар ойда икки марта «Хумоюн» маҳалласи фаоллари билан биргаликда йиғилишиб, бажа-рилган ишлар юзасидан ахбор-отлар берамиз ва келгуси зарур ишларимизни режа-лаштириб оламиз. Тўловлар-ни ўз вақтида бажарилишига эришишда эса уй бошқару-вчилари энг яқин ёрдамчила-



ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ҲАМ...

ЖАВОБ ОЛИНДИ

Тахририятимизга Собир Раҳимов туманидаги «Корасарой дарвоза» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли Минора кўчаси, 7-уйда яшовчи бир гуруҳ хонадон эгалари кўнгирак қилишиб, уй-жойдан фойдаланиш харажатларини тўлашдаги чалқашликлар ҳақида ваз қилишган эди. Ушбу шикоят юзаси-дан «Корасарой дарвоза» уй-жой мулкдорлари ширкати билан боғлиқ, улардан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Тошкент шаҳри Собир Раҳимов жой мулкдорлари ҳудудидаги Ми-туманидаги «Корасарой дарвоза» уй-нора кўчаси, 7-уйдан тушган шикоят

юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз: ушбу уй Тошкент шаҳар округининг 1999 йил 30 апрелдаги қарорига биноан 4-тоифали уйлар қаторига қиради ва барча ҳисоб-ки-тоблар ана шу тоифага тааллуқли бўлган қийматда олиб боришмоқда. Бу тоифага марказлаштирилган иссиқ сув ва иситиш қувурларига эга бўлма-ган уйлар қиради. 5-тоифали уйларга эса хонадонларига совуқ сув ҳам кир-маган, ҳожатхоналари ҳрвида жой-лашган уйлар қиради. Бизнинг шир-катимиз ҳудудида эса 5-тоифали уй-лар умуман йўқ.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишни ис-

тардикки, 7-уйда яшовчи хонадон-ларнинг 2000 йил 1 апрелдан шир-катга аъзо бўлган даврда 135528 сўм қарзлари бўлган бўлса, хозиргача у 216 минг сўмдан ортиб кетган. 6-хо-надон эгаси Иноғмова, 13-хонадон соҳибни Юсупова, 5-хонадонда яшовчи Махаматова ва 1-хонадон-дан Ҳасановларнинг қарзлари 35 минг сўмдан 60 минг сўмгачаши таш-кил этади. Улар қарзларни тўлаш ҳақидаги оғохлантиришларимизга қарамай турли баҳоналарни рўқач қилишмоқда. Хозирда ушбу қарзлар-ни суд орқали ундириш учун ҳуж-жатлар тақдим этганимиз».

